

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Усмонов Ш.

Қўқон ДПИ тьютори

Абдумўминов М талаба

Аннотация. Мақолада ҳаракатли ўйинларнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятлари тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. Ҳаракатли ўйинлар, футбол, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва бошқа спорт турлари

Ҳаракатли ўйинлар ўз номи билан хилма-хил амалий ҳаракат фаолиятларни мужассамлаштирувчи ижтимоий-тарбиявий жараёнларнинг муҳим омилидир. Уларнинг келиб чиқиши ва ижтимоий турмуш маданият, таълим-тарбияда қўлланилиши ҳақида жуда кўп чет мамлакатларнинг олимлари, педагоглари илмий-назарий жиҳатдан аниқ фикрлар беришган.

Ўзбекистонлик таниқли олимлардан М.Муродов, У.Қорабоевлар ҳаракатли ўйинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ривожланишини илмий-педагогик жиҳатдан асослаб беришган. Уларнинг таълими бўйича ҳаракатли ўйинлар турли хил меҳнат, фаслларга қараб ўтказиладиган анъанавий удумлар, байрамлар, жанг ва бошқа соҳаларга қараб турларга бўлинади. рақаларини ёзиб олиш ва уларни китоб шаклида нашрдан чиқаришда Т.С. Усмонхўжаев, Ф.Хўжаев, Х.Тожибоев Насримойи-маданий турмуш, шароитлар, болалар тарбияси ва айниқса кувчи-ёшларни жойи ривожланишида ҳаракатли ўйинлар муҳим аҳамиятга эгадир. жиҳатларни эътиборга олган ҳолдинлар таълим стандартларда ҳаракат узилган ўқув юр்தларининг «Жисмоний тарбия» дастурларида ҳаракатли ўйинларга алоқиди соатлар берилиб, дарсларни мустақил равишда ташкил қилиш кўзда тутилган. , Ҳаётий тажрибалар ва ижтимоий-турмуш шароитларининг даражалари ҳамда таълим-тарбия жараёнларининг эришган натижаларид ҳаракатли ўйинларнинг ижтимоий-тарбиявий хусусиятларини қуйидаги йўналишларда айнан кўриш мумкин, яъни:

1. Жисмоний тарбиянинг моҳиятларини тушунган оилаларда болаларни энг кичик ёшдан бошлаб турли хил ҳаракатли ўйинларга ўргатишмоқда. Уларнинг ёши, жинси ва саломатлик даражаларига қараб уй, ховли, дала (қўча) шароитларида очик хавода турли ўйинлар билан банд этилади. Айниқса баҳор, ёз, кузги мавсумларда болаларнинг қувлашмачок ўйнаши, тўпларни тепиш, илиб олиш, отиш ва бошқа турли-туман ўйинларни ўйнатиш авж олади. Қишда қор

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

устида сирпаниш, думалаш, олишиш, қувлашиш, чаналарда учиш ва бошқа ўйинларни кичик ёшдаги болалар зўр кизиқиш билан бажаришади. Ҳатто кўп ҳаракатлар қилишлари натижасида болалар совукдан кўркмайди. Баъзи станалар улар билан биргаликда ўйнаб, уларнинг ўйинларига қизиқишларини янада кучайтиради. Кўп вақтлар ёш болалар мустақил равишда ҳаракатли ўйинларни бажаришади. Бунда тенгқурлар ва каттароқ ёшдаги болалар билан биргаликда ўйнаш янада яхшироқ кечади.

2. Мактабгача ёшдаги болалар тарбия муассасаларида (ясли, боғча) махсус дастур асосида соғломлаштириш тадбирларини кундалик режим асосида олиб борилади. Умумий жисмоний маданият машғулотларининг 50 % дан кўпроғи ҳаракатли ўйинлар билан боғлиқ бўлади. Бу албатта тарбиячиларнинг тайёргарлиги, тажрибалари, билим савиялари ва ўз масъулиятларини сезиш билан боғлиқ.

3. Умумтаълим мактабларнинг бошлангич (I-IV) синф ўқувчилари билан ўтказиладиган жисмоний маданият дарслари ва катта танаффусларда ташкил этиладиган соғломлаштириш тадбирларида ҳаракатли ўйинлар салмокли ўринларни эгаллайди. V-VII ва юқори синфларда (VIII-IX ва X-XI) ўтказиладиган жисмоний маданият дарсларида ҳаракатли ўйинлардан мақсадли фойдаланилади. Чунки дарслар мазмунларни сингдириш ҳамда яхши ўзлаштиришларда ҳаракатли ўйинлар мутаносиблик ҳисобланади. 4. Барча турдаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларидаги жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларнинг у ёки бу туридан фойдаланиш яхши йўлга қўйилмоқда. Бу ўйинлар жисмоний тайёргарликни тарбиялаш ва жисмоний сифатларни ўстиришда амалий жиҳатдан ёрдам беради.

5. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, спорт турлари бўйича терма жамоаларнинг машғулотларида ҳам уларнинг мазмун ва вазифаларига қараб ҳаракатли ўйинлардан кенг фойдаланилади. Айниқса футбол, баскетбол, волейбол, кўл тўпи ва бошқа спорт турлари машғулотларида тўп билан ўйналадиган ҳаракатли ўйинларни кўпроқ қўлланилади.

6. Истироҳат ва кўнгил очиш боғлари, дам олиш масканларида турли туман ҳаракатли ўйинлар маданий тадбирлар мазмунидан (таркибидан) жой олади. Аттракцион, эстафетали ва б.қ. ўйинлар болаларнинг севимли ўйинларидир. Мазкур йўналишлардаги ҳаракатли ўйинларнинг асосий мазмуни, шакли, мақсад вазифалари аҳолининг, айниқса болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, вақтини кўнгилли хуш, қувноқ қилиб ўтказишга қаратилиши билан ижтимоий-тарбиявий хусусиятларга эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Гофуров, Абдувохид Махмудович, and Абдушокир Махмудович Гофуров. "ФИЗКУЛЬТУРНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ НА ПУТИ К УСОБЕРШЕНСТВОВАНИИ." INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE "INNOVATIVE TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". Vol. 3. No. 1. 2024.
2. Mukhammedovich, Jurayev Vokhidjon. "Psychological Foundations of Willpower in the Formation of Competition Motivation in Athletes." Central asian journal of literature, philosophy and culture 3.11 (2022): 315-318.
3. Jurayev, Vohidjon. "SPORTCHINING FAOLIYAT SAMARADORLIGIDA DA'VOGARLIK DARAJASI AHAMIYATINI EMPIRIK NATIJALARI TAHLILI." Science and innovation in the education system 2.7 (2023): 106-112.
4. Makhmudovich, Gofurov Abduvokhid, and Gofurov Abdushokir Makhmudovich. "STUDY OF FUNCTIONAL INDICATORS OF YOUNG SWIMMERS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 12.10 (2023): 29-31.
5. Makhmudovich, Gafurov Abdushokir. "Medical problems of sports selection and sports orientation." ASIA PACIFIC JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT REVIEW ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.12 (2022): 313-318.
6. Abduvalievich, Abdullaev Rustamjon. "NECESSARY FORMATION OF COMPLEX COMPETENCE SAFETY OF TOURIST SERVICES DURING THE DEVELOPMENT OF A STRUCTURAL-FUNCTIONAL MODEL." Science and Innovation 2.2 (2023): 261-264.
7. Abdullabdullaev, R. "BASES OF SCIENTIFIC AND TECHNOLOGICAL SUPPORT OF THE PROCESS OF FORMATION OF SPECIAL TOURIST KNOWLEDGE, ABILITIES AND SKILLS." Science and innovation 2.B3 (2023): 122-123.
8. Жураев, Вохиджон Мухаммедович. "СПОРЧИЛАРНИНГ ДАЪВОГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." Academic research in educational sciences 4.TMA Conference (2023): 894-900.